

СЎЗ САЊАТИ ЖУРНАЛИ
JOURNAL OF WORD ART
ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА

**ОГАҲИЙНИНГ "ЗУБДАТУ-Т-ТАВОРИХ" АСАРИ - ЎЗБЕК МЕМУАР
ҚИССАЧИЛИГИ НОДИР НАМУНАСИ**

Нурбой Жабборов,

Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
Ўзбек адабиёти тарихи ва матншунослик кафедраси мудири,
филология фанлари доктори, профессор
jabborov-nurboy@rambler.ru
<http://dx.doi.org/10.26739/prefix>

For citation: Jabborov N.A. The work of the Agahi "Zubdatu-t-Tavorich" - a unique sample of the Uzbek memorial narration. International Journal of Word Art. 2018, vol. 1, issue 1, pp. 56-69.



<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2018-1-7>

Келиб тушган сана 10 феврал, 2018
Эълон қилинган сана 20 феврал, 2018.

АННОТАЦИЯ

Мақола ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намояндаси Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг "Зубдату-т-тавориҳ" асари тадқиқига бағишланган. Асарнинг ўзбек бадиий-тарихий насрининг бетакроп намунаси экани далилланган.

"Зубдату-т-тавориҳ"нинг Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлимида, С.Шchedрин номидаги Давлат халқ кутубхонасида, Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган беш қўлёзма нусхаси манбашунослик нуқтаи назаридан қиёсий таҳлили натижасида Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган 821 рақамли манба асар қўлёзмаларининг нисбатан мукаммали экани аниқланган.

Мақолада "Зубдату-т-тавориҳ"нинг яратилиш тарихи ёритилган. Мулла Олим Махдум Ҳожининг "Тарихи Туркистон"и билан қиёсий тадқиқ қилиниши асосида асарнинг Хива хонлиги тарихига оид ишончли манба эканлиги исботланган.

Асарда келтирилган назм намуналари таҳлили ҳам "Зубдату-т-тавориҳ"нинг адабий манба эканини далиллашга хизмат қилган. Жумладан, асарда қасида (6 та), маснавий (70 та), ғазал (4 та), рубоий (7 та), қитъа (10 та), таъриҳ (4 та), фард (6 та) сингари ўнга яқин шеърий жанр намуналари келтирилгани, шеърлар жами 1176 байт (2352 мисра)ни ташкил этиши аниқланган. Улардан энг аҳамиятлилари таҳлил этилган.

"Зубдату-т-тавориҳ"да муаллифнинг бадиий маҳорати масаласи қасида ва таъриҳлар таҳлили асосида кўрсатилган. Мазкур шеърий жанрлар намуналари, уларнинг поэтикаси ва вазн хусусиятлари таҳлилида Шайх Аҳмад Тарозийнинг "Фунуну-л-балоға" асаридаги назарий фикрларга таянилган.

Мақоланинг хулоса қисмида "Зубдату-т-тавориҳ"нинг тарих, этнография, топонимия сингари фан соҳалари бўйича ҳам ноёб маълумотлар жамланган манба экани исботланган.

Калит сўзлар: бадиий-тарихий наср, назм, адабий манба, қўлёзма, шеър, жанр,, қасида, таъриҳ, вазн, сажъ, бадиият, тарихий воқелик, қиёсий таҳлил, бадиий маҳорат.

ПРОИЗВЕДЕНИЕ АГАХИ "ЗУБДАТУ-Т-ТАВОРИХ" - УНИКАЛЬНЫЙ ОБРАЗЕЦ УЗБЕКСКОЙ МЕМУАРНОЙ ПОВЕСТВОВАНИИ

Нурбой Жабборов,

доктор филологических наук, профессор

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена изучению книги "Зубдату-та-тавори" написанная ярким представителем классической узбекской литературы Мухаммадом Ризо Огахий. В статье доказывается тот факт, что эта рукопись является уникальным образцом узбекской художественной поэзии.

В результате сравнительного анализа пяти экземпляров "Зубдату-т-тавори", хранящихся в Санкт-Петербургском отделении Института востоковедения Академии наук России, Государственной библиотеки им. С. Щедрина, Института востоковедения им. Абу Райхана Беруния Академии наук Узбекистана выяснилось, что копия номер 821, хранящаяся в хранилище Института Востоковедения им. Абу Райхана Беруния Академии наук Узбекистана, является лучшей среди всех вышеупомянутых копий рукописи.

В статье рассказывается история создания "Зубдату-та-тавори". На основе сравнительного анализа этой книги с "Тарихи Туркистон" ("История Туркестана") было доказано, что "Зубдату-т-тавори" является надежным источником по истории Хивинского ханства.

Анализ образцов стихов из книги был использован для обоснования того, что "Зубдату-т-тавори" был литературным источником. Например, он содержит такие образцы поэтических жанров, как оды (6), маснавий (70), газели (4), рубаи (7), китта (10), та'рих (4), фард (6). В целом книга состоит из 1176 строф (2352 строк) поэтического текста. Наиболее значимые из них были проанализированы.

Поэтические навыки автора "Зубдату-та-тавори" были продемонстрированы на основе анализа од и тарих. Анализ образцов вышеупомянутых жанров, их поэтики и ритмических свойств был основан на теоретических идеях, выдвинутых Шейхом Ахмадом Тарози в "Фунун-небалоге".

В заключение статьи автор смог доказать, что эта книга является источником редкой информации о таких науках, как история, этнография, топонимия и другие.

Ключевые слова: художественно-историческая проза, поэзия, литературный источник, рукопись, поэзия, жанр, ода, поэтический размер, искусствоведение, историческая реальность, сравнительный анализ, художественно-исторический.

THE WORK OF THE AGAHI "ZUBDATU-T-TAVORICH" - A UNIQUE SAMPLE OF THE UZBEK MEMORIAL NARRATION

Nurboy Jabborov,

doctor of philological sciences, professor

ABSTRACT

The article is devoted to the study of the book "Zubdatu-t-tavorih" by a bright representative of classical Uzbek literature Muhammad Rizo Ogahiy. Here, the fact that this manuscript is a unique sample of Uzbek-artistic poetry is proved.

As result of a comparative analysis of five copies of "Zubdatu-t-tavorih" kept at Saint-Petersburg department of Oriental studies institute of Academy of Sciencies of Russia, State library named after S. Shedrin, Oriental studies institute named after Abu Rayhan Beruniy of the Academy of Sciences of Uzbekistan, it was found out that the copy number 821 kept at the treasury of Oriental studies institute named after Abu Rayhan Beruniy of the Academy of Sciences of Uzbekistan is the best among all aforementioned copies of the manuscript.

The article covers the history of the creation of "Zubdatu-t-tavorih". On the basis of comparative analyzing this book with "Tarihi Turkiston" (History of Turkistan) it was proven that "Zubdatu-t-tavorih" is a reliable source on the history of Khiva khanate.

The analysis of the samples of verses from the book was used to ground that "Zubdatu-t-tavorih" was a literary source. For example, it contains such samples of poetic genres as qasida (odes) (6), masnaviys (70), ghazels (4), rubayis (7), qit'as (10), ta'rix (4), fard (6). Totally the book consists of 1176 verses (2352 lines) of poetic text. Most significant of them were analyzed.

Poetic skills of the author of "Zubdatu-t-tavorih" was demonstrated through the analysis of qasidas and ta'rix. The analysis of the samples of the abovementioned genres, their poetics and rhythmic properties were relied on theoretical ideas put forward in "Funun-un-balogha" by Shekh Ahmad Tarozhi.

At the conclusion part of the article, the author was able to prove that this book is a source of rare information on such sciences as history, ethnography, toponomy, and others.

Keywords: artistic-historic prose, poetry, literary source, manuscript, poetry, genre, ode, ta'rix, poetic meter, artistics, historic reality, comparative analysis, artistic skills.

Муҳаммад Ризо Эрнӣёзбек ўғли Оғаҳий (1809-1874) "Таъвизу-л-ошиқин" ("Ошиқлар тумори") назмий девони билан мумтоз шеърятда Алишер Навоийнинг муносиб издоши эканини, ўз таъбири билан айтганда, "фасоҳат ва балоғат бобида нодир ва сўз риштасига маоний жавоҳирин назм этарга қодир" эканини исботлади. Унсурулмаолий Кайковус, Саъдий Шерозий, Абдурахмон Жомий, Низомий Ганжавий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Зайниддин Восифий сингари буюк мутафаккирларнинг форс-тожик тилида ижод этилган йигирмадан ортиқ нодир асарлари таржимаси орқали она тилимизнинг ифода имконияти нечоғлик бой эканини амалда намоён этди. Бу улуғ мутафаккир номи наинки мумтоз шоир ва маҳоратли мутаржим, шунинг баробарида, XIX аср Хоразм кечмишига доир нодир манбалар ҳисобланмиш мемуар-қиссалар - бадий-тарихий асарлар муаллифи сифатида ҳам маълум ва машҳурдир.

У XIX аср хоразмшоҳлар салтанати даври воқеаларига бағишланган беш мемуар қисса ёзди. Оллоҳқулихон ҳукмфармолиги даври (1825-1843) тўғрисидаги "Риёзу-д-давла", Раҳимқулихон салтанати воқеалари (1843-1846) тасвирланган "Зубдату-т-таворих", Муҳаммад Аминхон (1846-1854), Саййид Абдуллоҳхон (1854) ва Қутлуғмуродхон (1855) ҳукмронлик йилларидаги мураккаб

ва зиддиятли ҳодисалар ҳақидаги "Жомеъул-воқеоти султоний", Саййид Муҳаммадхон замонига (1856-1865) доир "Гулшани давлат" ҳамда Муҳаммад Раҳимхон соний - Феруз даври (1865-1910) васф этилган "Шоҳиду-л-иқбол" каби асарлар шулар жумласидандир. Булар қаторига Шермуҳаммад Мунис ёза бошлаган "Фирдавсу-л-иқбол"ни давом эттириб, бадий-тарихий насрнинг мукамал намунаси сифатида яқунлаганини ҳам қўшсак, Оғаҳийнинг ўзбек мемуар-қиссачилиги ривожига қўшган ҳиссаси ҳам нечоғлик улкан экани аён бўлади.

Оғаҳийнинг адабий-тарихий асарларини тарихий манба сифатида тадқиқ этган рус олими академик В.В.Бартольд бундай ёзган эди: "Мунис ва Оғаҳий томонидан яратилган **адабий-тарихий асарлар** (Таъкид бизники - Н.Ж.) қанчалик камчиликка эга бўлмасинлар, тарихий воқеаларни баён этиш ва уларда келтирилган фактик материалларнинг кўплиги жиҳатидан бизгача етиб келган Қўқон ва Бухоро хонликлари тарихи бўйича ёзилган ҳамма асарларни ўзидан анча орқада қолдиради"¹.

Олимнинг айрим фикрларига алоҳида эътибор қаратиш зурурати сезилади. Биринчидан, у Оғаҳийнинг тарихий мавзудаги асарларини соф тарихий асар сифатида талқин этишдан сақланган, уларнинг адабиётга дахлдорлигини эътироф этган. Олимнинг уларни адабий-тарихий

1. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Л., 1927, стр. 113 (Bartold V.V. History of cultural life of Turkestan. L., 1927, p. 113)

асарлар дейиши бунинг тасдиғидир. Иккинчидан, бу турдаги асарларда "тарихий воқеаларни баён этиш ва уларда келтирилган фактик материалларнинг кўплиги" масаласига алоҳида урғу берилган. Бинобарин, бу асарларда тарихий воқеалар тасвирланган ва фактик материаллар кўп бўлса ҳам, уларни баён этиш усули адабий эканини алоҳида таъкидлаш керак.

Ўзбек ва умуман шарқ бадий-тарихий насри Огаҳийгача ҳам кўп асрлик тараққиёт йўлини босиб ўтгани аён. Носириддин Рабғузий, Мирхонд, Хондамир, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Шермуҳаммад Мунис каби буюк адиблар насрий мероси бунинг далилидир. Бу улуғ ижодкорлар қаламига мансуб "Қисаси Рабғузий", "Равзату-с-сафо", "Макориму-л-ахлоқ", "Ҳабибу-с-сияр", "Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер", "Тарихи мулуки Ажам", "Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Бобурнома", "Фирдавсу-л-иқбол" сингари асарлар Огаҳийнинг бадий-тарихий насри учун ўзига хос тажриба мактаби бўлганини таъкидлаш керак.

Ўзбек бадий-тарихий насри тараққиёт босқичларини Огаҳийнинг "Шоҳиду-л-иқбол" асари мисолида ўрганган манбашунос Нафас Шодмонов жаҳон адабиётида тарихий наср муаллифлари бадий адабиёт ривожидида сезиларли ижобий рол ўйнагани, Европа адабиётшунослигида антик тарихнавислик замонавий наср учун катта салмоққа эга сюжетлар, бадий ишланган образлар тақдим этиш билан бирга услубий мактаб ролини ўтагани ҳақида ёзиб, грек тарихнависи Плутарх, инглиз хронистлари Р.Холиншед, Г.Холл кабиларнинг мероси

Шекспир, Руссо ва бошқа кўплаб адиблар ижодига катта таъсир ўтказганини бунга мисол тариқасида келтиради. Хитой адиби Сим Цяннинг "Тарихий битиклар"и ("Ши цзи"), "Умр дафтари" ("Лечжуань") каби асарлар тарихнависликнинггина эмас, балки келажак адабий насрнинг тараққиёти тамойилларини белгилашга хизмат қилганини, Ат-Табарий ва ибн Халдун мероси араб ва ажам тарихнавислари учун намуна бўлганини таъкидлайди¹.

Шу пайтга қадар асосан тарихий асарлар сифатида баҳоланиб келган Огаҳий бадий-тарихий насрини махсус ўрганган академик Воҳид Абдуллаев бу асарларни "тарихий-бадий проза"² намуналари деб атаса, устоз манбашунослар - Фулом Каримов ва Субутой Долимов уларнинг "бадий-тарихий асар тарзида қимматли"³, эканига урғу берадилар. Профессор Нажмиддин Комилов эса Огаҳийнинг таржима асарлари таҳлили мисолида миллий адабиётимиз тарихида яратилган "қисса ҳикоялар (повест)"⁴ларга эътибор қаратади. Бинобарин, Огаҳийнинг тарихий мавзудаги барча насрий асарлари, жумладан, тадқиқотимиз манбаи бўлган "Зубдату-т-таворих" ("Тарихлар сараси") ҳам биринчи навбатда бадий, ундан кейингина тарихий асар ҳисобланади.

Муҳим тарихий маълумотлар берилган бўлишига қарамай, услуби, жанр хусусиятлари, ифода тарзи ва бошқа белгиларига кўра "Зубдату-т-таворих"ни ҳам, Огаҳий бадий-тарихий насрининг бошқа намуналарини ҳам тарихий илмий асарлар сифатида баҳолаб бўлмайди. Бу асарларни адабий манба сифатида ўрганиш эса адабиётшунослик ҳамда унинг ажралмас

1. Бу ҳақда қаранг: Шодмонов Н. "Шоҳиду-л-иқбол"нинг ўзбек бадий-тарихий насри тараққиётидаги ўрни, манбалари ва матний тадқиқи. Филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Т., 2009, 39-40-бетлар.

(See also: Shodmonov N. The role, sources and textuality of "Shahidu-i-Ikbol" in the development of the Uzbek artistic-historical art. The dissertation for the degree of Doctor of Philological Sciences. Т., 2009, p. 39-40)

2. Абдуллаев В. Ўзбек адабиёти тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1967, 380-бет.

(Abdullaev V. History of Uzbek Literature. - Т.: Teacher, 1967, p. 380.)

3. Каримов Ф., Долимов С., Огаҳий - тарихчи / Огаҳий, Асарлар, VI жилдик, V ж. - Т.: 1978, 16-бет.

(Karimov G, Dolimov S., Ogahiy - Historian / Ogahiy, Works, VI volume, V j. - Т.: 1978, p. 16.)

4. Комилов Н. Огаҳийнинг таржимонлик маҳорати // Атоқли шоир, тарихнавис, таржимон (Огаҳий ҳақида мақолалар). - Т.: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1999. 80-бет.

(Komilov N. Oghahi's interpreting skills // The poet, the historian, the translator (articles about Oghahi). - Т.: A. Kadyri Publishing House, 1999. p. 80.)

таркибий қисми бўлган манбашунослик ва матншунослик учун муҳим илмий-назарий хулосалар бериши аниқ.

Қисқача мавзунинг ўрганилиш тарихи ҳақида. Маълумки, Огаҳий бадий-тарихий асарлари ҳақида америкалик¹, россиялик² мутахассислар, шунингдек, ўзбек олимларининг³ тадқиқотлари эълон қилинган. Бироқ асар ҳақида махсус тадқиқотлар яратиш - келажакнинг иши.

Маълумки, ўтган асрнинг 70-йиллари охирида, устоз олимлар Гулом Каримов ва Субутой Долимов саъй-ҳаракатлари билан Огаҳий асарларининг олти жилдлиги нашр этилди. Бадий-тарихий асарлари жамланган бешинчи жилдда "Зубдату-т-таворих"дан" сарлавҳаси остида асардан кичик бир парча эълон қилинди⁴. Бироқ Раҳимқулихон салтанати даврига бағишланган бу мемуар-қиссанинг илмий изоҳлар билан таъминланган тўлиқ матнини чоп этиш имкони бўлган эмас. Табиийки, ўша кезлари асарнинг мукамал нашрини амалга ошириш тўғрисида орзу ҳам қилиб бўлмас эди. Чунки, бадий-тарихий

насрнинг бу юксак намунаси моҳиятан ўша даврдаги ҳукмрон мафкура сиёсатига, унинг тутумига тамомила зид эди. Чунки унда тарихий воқелик бетакрор бадиият билан тасвирланган, ҳукмдор аждодларимизнинг "босқинчилиги" эмас, фазилатлари хусусида баҳс юритилган эди.

Таъкидлаш жоизки, узоқ муддат давомида "Зубдату-т-таворих" тадқиқотчилар назаридан четда қолиб келди. Ўтмиш адабий-тарихий меросни ўрганишга бўлган эҳтиёж ҳар қачонгидан ҳам кучайган бугунги кунда, замондошларимизни, айниқса, ёш авлодни мазкур асарнинг асл моҳиятидан хабардор қилиш зарурияти эътиборга олиниб, 2009 йили асарнинг илмий изоҳлар билан таъминланган нисбатан мукамал нашри амалга оширилди⁵.

Бизгача "Зубдату-т-таворих"нинг беш қўлёзма нусхаси етиб келган бўлиб, улардан бири Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлимида (инв. Е 6/У (590 ОВ)), яна бири Санкт-Петербургдаги С.Шchedрин номидаги Давлат халқ

1. Edward Allworth. Uzbek literary politics. London-Paris, 1964.

(Edward Allworth. Uzbek literary politics. London-Paris, 1964)

2. Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. Л., 1927; Толстов С.П. Древний Хорезм. Москва, 1948; По следам древнехорезмской цивилизации. М.-Л., 1948; Под ред А.К. Боровкова. Очерки по истории Средней Азии. М., 1951.

(Bartold V.V. History of cultural life of Turkestan. L., 1927; Tolstov S.P. Ancient Khorezm. Moscow, 1948; In the footsteps of the ancient Khorezm civilization. M.-L., 1948; Under the editorship of A.K. Borovkov. Essays on the history of Central Asia. M., 1951.)

3. Фуломов Я.Ф. Хоразмнинг сугорилиш тарихи (қадимги замонлардан ҳозиргача) Т., 1959; Йўлдошев М.Й. Хива хонлигида феодал ер эгаллиги ва давлат тузилиши. Т., 1959; Муниров Қ. Огаҳий. Илмий ва адабий фаолияти. Тошкент, ЎзФА нашриёти, 1959; Мунис, Огаҳий ва Баёнийнинг тарихий асарлари. Тошкент, "Фан" нашриёти, 1969; Хоразмда тарихнавислик (XVII - XIX ва XX аср бошлари) Т.: Адабиёт ва санъат, 2002; Жумахўжа Н. Адизова И. Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдир. Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1995; Султонова Қ. Огаҳийнинг "Гулшани давлат" асари адабий манба сифатида. Филология фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертация. Тошкент, 2000.

(Gulyamov Ya.G. History of Khorezm's irrigation (from ancient times) Т., 1959; Yuldashev M.Y. Feudal land ownership and state structure in Khiva Khanate. Т., 1959; Munirov Q. Ogahiy. Scientific and literary activities. Tashkent, publishing house of UzFA, 1959; Munis, Ogahi and Bayoni's historical works. Tashkent, "Fan" publishing house, 1969; Historiography in Khorezm (beginning of the XVII-XIX and XX centuries) Т.: Literature and Art, 2002; Jumakhoja N. Adizova I. There are no lucrative monuments in your mouth. Tashkent, "Uzbekistan" publishing house, 1995; Sultonova Q. Ogahi's "Gulshani davlat" as a literary source. The dissertation for the degree of candidate of philological sciences. Tashkent, 2000)

4. Қаранг: Муҳаммад Ризо мироб Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Асарлар. VI жилдлик. V жилд. Тошкент, Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 173-201-бетлар.

(See Ogahi, the son of Muhammad Riza Miroh Erniyazbek. Works. Volume VI. Volume V. Tashkent, Gafur Gulom Literary and Art Publisher, 1978, pp. 173-201.)

5. Муҳаммад Ризо Эрнийезбек ўғли Огаҳий. Зубдату-т-таворих (Нашрга тайёрловчи, тадқиқот, луғат, илмий изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи Н.Жабборов). - Т.: "Ўзбекистон", 2009.

(Ogahi, son of Erniyazbek Muhammad Riza. Zubdatu-t-tavorix (The author of the publication, research, dictionary,

кутубхонасида (ТНС-22), учтаси Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида (821/111, 5364/111, Ҳамид Сулаймонов фонди, 275/11) сақланади.

Мазкур қўлёзмалар билан шуғулланган матншунос Фатҳулла Фанихўжаев маълумотларига кўра, улардан Огаҳий ҳаёт пайтида кўчирилгани Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург бўлимида Е 6/У (590 ОВ) рақами билан сақланаётган қўлёзмадир. Олимнинг ёзишича: "Нусха қора сиёҳда настаълиқ хати билан Қўқон қоғозига ёзилган. Сарлавҳалар қизил сиёҳ билан битилган. Текст қизил рангли жадвал ичига олинган. Қўлёзмада котибнинг номи кўрсатилмаган. Асар 1273 (1856) йили кўчирилган. 52 варақ (387^б- 439^а), 28x49)¹.

Ўзбекистон ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланаётган 821 рақамли манба "Зубдату-т-таворих" қўлёзмаларининг нисбатан мукаммали ҳисобланади. Қўлёзмалар ҳақидаги маълумотлар муқоясаси ҳам бу нусханинг бошқаларига қараганда мукамалроқ эканини тасдиқлайди. Фатҳулла Фанихўжаев тузган каталогда кўрсатилишича, Россия ФА Шарқшунослик институти Санкт-Петербург филиалида сақланаётган Е 6/У (590 ОВ) рақамли қўлёзма

***Караминг тожидин сарафроз эт,
Равза аҳли ичида мумтоз эт, –***

байти билан яқунланган².

Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институтидаги 821 рақамли қўлёзманинг охирида эса мазкур байтдан сўнг қуйидаги насрий хотима берилган: "Дониш аҳлининг хотири хатирларига маълум бўлсунким, бу

нусхаи мухтасар таълифи ҳазрат зиллуллоҳий гуфронпаноҳийнинг вафоти маломатсамотидин ўттуз беш кун сўнг, санаи ҳижрий минг икки юз олтмиш иккида йилон йили рабиъ ул-аввал ойининг тўртида, душанба куни ихтитом топди. Саҳву хато ва нуқсонин айб қилмай, маъзур тутсунлар. Балки лутфу карам кўргузуб, ислоҳ берсунлар. Илоҳо, Тангри таоло ҳаммани мақосид ҳусулидин комёб қилгой. Омин. Таммату-л-китоб биъавни-л-малики-л-вахҳоб" (435^а)³.

Мазкур насрий хотиманинг бошқа нусхаларда мавжуд эмаслиги ҳам 821 рақамли қўлёзманинг афзаллигини кўрсатади. Қолаверса, "Зубдату-т-таворих"нинг бу қўлёзма нусхаси оққа кўчирилиши асар қаҳрамони Раҳимқулихон ҳаёт вақтида қарийб яқунланган. Юқорида келтирилган насрий хотимада "бу нусхаи мухтасар таълифи ҳазрат зиллуллоҳий гуфронпаноҳийнинг вафоти маломатсамотидин ўттуз беш кун сўнг, санаи ҳижрий минг икки юз олтмиш иккида йилон йили рабиъ ул-аввал ойининг тўртида, душанба куни ихтитом топди", дейилиши ҳам шундан далолат беради.

Бундан ташқари, келтирилган насрий матндан кейинги: "1298 сана. Роқими ин китоб Мулло Муҳаммад Ризо ибн Муҳаммад Карим девон марҳум, гафараллоҳу зунубаҳа ва сатара уйубаҳа" деган қайд қўлёзманинг кўчирилган йили ҳақидаги мавжуд маълумотга ойдинлик киритади. Фатҳулла Фанихўжаев тузган каталогда қўлёзманинг кўчирилган йили 1289/1880 деб кўрсатилган. Асл манбадаги қўлёзмани кўчирган котиб қайдига кўра бу сана 1298/1881 йил экани маълум бўлади.

Қўлёзма юпқа новвотранг Қўқон қоғозига қора сиёҳда настаълиқ хатида ёзилган. Сарлавҳалари қизил сиёҳда

1. Огаҳий асарлари тавсифи (каталог). Тузувчи: Ф.Фанихўжаев. Т., 1986, 26-27-бетлар.

(Description of his poetic works (catalog). Developer: F.Ganixujayev. T., 1986, pp.26-27.)

2. Олим ушбу маълумотни "Описание тюркских рукописей Института народов Азии (Том.I., 1965, стр. 111, оп. 102)" тўпламидаги қўлёзмалар тавсифи асосида келтиради.

(The scientist provides this information "Description of the Turkic manuscripts of the Institute of the Peoples of Asia (Tom.I., 1965, p.111, op.102)" based on a description of manuscripts.)

3. "Зубдату-т-таворих"дан олинган иқтибослар ЎзФАШИ даги мазкур 821 рақамли қўлёзма асосида келтирилмоқда. Бундан кейин иқтибосларда қавс ичида фақат қўлёзманинг саҳифаси келтирилади.

(Quotations from Zubdatu-t-tavorix are based on the manuscript number 821 of UZSF. Then the quotations are presented only in the manuscript page in the bracket.)

битилган. Матн мукаммал. Қўлёзма, яхши сақланган бўлиб, қора чарм қопланган нақшинкор картон билан муқоваланган. 50 варақ (38^б-435^а), 27x44⁴.

Асар муқаддимасида таъкидланишича, "Зубдату-т-таворих"нинг яратилиш тарихи қуйидагича бўлган: Муҳаммад Ризо Огаҳий Оллоҳқулихон ҳукмфармолиги даврига бағишланган "Риёзу-д-давла" мемуар қиссасини яқунлагач, бу пайтда Хоразм ҳукмдори бўлган Раҳимқулихоннинг "мажлиси ишратпарвар ва суҳбати кимёсарига элтиб, туҳфа чекади". Муаррих кейинги воқеалар тўғрисида бундай ёзади: "...ул ҳазрат (Раҳимқулихон - Н.Ж.) ҳаддин афзун истиҳзон кўргузуб, анвоъ лутфу эҳсон била ашбоҳ ва ажносим аросида қуёш янглиғ сарафроз ва мумтозлиғ еткурди. Ва яна ҳаддан афзун илтифот кўргузуб, гуҳарбор тилин мундоқ жавҳарафшонлиқга эвурдиким, жаҳони бевунёднинг айвони харобободида иқомат маснадин солмоқ, хусусан, салтанат амри хатирин зиммаи ҳимматга олмоқдин гараз улдурурким, кишидин зикри жамил ёдгор қолса. Бу муддао иморат ва бақийот бино қилмоқ била даст бермас ва авлод таносули ва таволудига ҳам шомил эрмас. Магар сўз авроқида боқий қолгайким, анго ҳодисоти жаҳон тўфонхезлиги ва тасрифоти замон фитнаангезлигининг осибини ва тафриқа етушмас.

Назм:

**Киши неча иморат қилса бунёд
Ва ёки ҳаддин афзун қўйса авлод,
Тутуб бўлмас бирисидин бақо кўз,
Қолур боқий жаҳон ичра магар сўз.**

Бас, эмди санго лозим ва таҳаттумдурурким, бизнинг исми ҳумоюн ва алқоби маймун ва вақойиъи касирулбадойиъимизга муштамил бир китоби балоғатинтисоб мураттаб қилайик. Токим, зикри жамил ва васфи жалилимиз замон авроқида боқий қолгай ва жаҳон аҳлин ҳайрат баҳрига солгай. Чун бу илтифоти касирул-баракот қуёши аҳволи саодатмаолийимга бир тавофкан бўлди. Кўнглумга ўзга янглиғ қувват ва таъбимга

ҳаддин афзун сафват ҳосил бўлуб, "Алмамурумаъзур" фатвоси била мундоқ амри азимдин обод имтиноъ кўргуза олмадим. Ложарам, фармони лозиму-л-имтисол ижросига далир иштиғол кўргуздим".

Шарқда, жумладан, Туронзаминда ҳукмдорларнинг сўзга илоҳий неъмат деб қарашлари одатий ҳол. Яхши ном қолдириш - улар ҳаётининг асосий дастури ҳисобланган. Хоразм хони Раҳимқулихоннинг "зикри жамил" ва "васфи жалил"ини "замон авроқида боқий қолдириш" ва "жаҳон аҳлин ҳайрат баҳрига солиш"дек хайрли нияти "Зубдату-т-таворих" асари яратилишининг асосий сабабидир. Маълум бўладики, Огаҳий бу мемуар-қиссани - "китоби балоғатинтисоб"ни Раҳимқулихон фармонида биноан ёзишга киришган.

"Зубдату-т-таворих" икки қисмдан иборат. Муаррих қайд этганидек, асарнинг биринчи қисмида Раҳимқулихоннинг таваллуди, илм ўрганиш ва ҳарбий маҳорат эгаллаш йўлидаги саъй-ҳаракатлари, шунингдек, бўлғуси хоннинг Ҳазорасп ҳокими сифатида олиб борган фаолияти сажли насрда (настри мусажжаъда) гўзал бадийий шаклда муфассал баён қилинади. Асарнинг иккинчи қисми Раҳимқулихоннинг салтанат тахтига ўтирган кунидан то вафотига қадар содир бўлган воқеалар тасвирига бағишланган.

Муаллиф Раҳимқулихоннинг таваллуд санаси тўғрисида қуйидагича маълумот беради: "...ул ҳазратнинг валодати лозиму-ш-шарофати жадди бузургвори султони фирдавсмакон Муҳаммад Раҳим баҳодирхоннинг айёми хўжастафаржомида санаи ҳижрия минг икки юз йигирма тўққузда (милодий 1814 - Н.Ж.), мувофиқи ит йили, афзал авқотда, камол соатда вуқуъ топиб, инояти субҳоний раҳбарлиги била адам масканидин вужуд гулшанига қадамовар бўлди. Қадами юмнидин жаҳон мамолики анвори саодатда навои масаррат била тўлди".

Асар, таъкидланганидек, сажли насрда ижод этилган. Унда Хива ҳукмдори Раҳимқулихон эзгу фазилятлар соҳибини

сифатида улуғланади, унинг кўплаб илмларни эгаллагани, фуқаро ва раоёга шафқат ва марҳамат, карам ва саховат кўрсатишда тенгсиз экани васф этилади. Хива хонларининг маърифатли бўлганини, адабиёт ва санъат, илму ҳунар ривожига алоҳида эътибор берганини эътироф этган ҳолда, таъкидлаш керакки, бу сингари тавсифлар тарихий ҳақиқатга тўлиқ мутаносиб бўлмаслиги ҳам мумкин. Бироқ бир нарса аниқки, бу тавсифлар замирида Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг одил шоҳ ҳақидаги орзу-идеаллари оҳорли поэтик ташбиҳлар билан ифодаланган.

Огаҳий Хива хони Раҳимқулихонни "шаҳаншоҳи фархундахислат, ҳумоюн эътиқоду пок ният" ҳукмдор сифатида мадҳ этади. Буни "Ҳамиша коми - мулк обод қилмак, адолатдин улусни шод қилмак" - хоннинг ҳаётий аъмоли экани билан изоҳлайди. Бунда ҳам Огаҳийнинг одил ҳукмдор ҳақидаги орзу-умидлари қини кузатилади.

Асарда Раҳимқулихоннинг мазлумларга ёрдам кўрсатгани ҳақида бир қанча тарихий фактлар келтирилган. Бу фактлар ҳам шунчаки қайд қилинган эмас, юксак фасоҳат билан тасвирланган. Биргина мисол: ҳижрий 1257 (милодий 1843) йилда Раҳимқулихон отаси Оллоҳқулихоннинг фармойиши билан Эрон юришига отланади. Ушбу сафар асносида Хуросоннинг Боди анис музофотига қарашли Кўшк ва Қоратепа мавзеларида яшовчи жамшидия деган тоифа аҳолиси Раҳимқулихонга Ҳирот ҳокими Шоҳ Комрондан шикоят қиладилар. Улар шоҳнинг зулми ҳаддан ошгани, жамшидия тоифасининг молларини талон-торож этиб, аёллари ва болаларини қул қилиб сотаётганини билдириб, хондан мадад тилайдилар. Раҳимқулихон Эрон сафарини қолдириб, жамшидия тоифасига мадад беришга қарор қилади ҳамда ўн беш минг уйликдан зиёдароқ элатни Хуросондан Хоразм диёрига кўчириб келади. Огаҳийнинг гувоҳлик беришича,

жамшидия тоифаси "келтурулгондин сўнг Қилич Ниёзбой наҳрининг бир шубҳаси канорида Куба тоғининг жанубий остида ул тавойифга маскан ва мазориъ тайин қилинди. Ҳоло улуғ эл ва ободон юрт бўлуб ўлтурубдурлар".

Сир эмас, турли тарихий асарларда бир-бирига зид факт ва маълумотлар, ҳар хил ихтилофли фикрлар учрайди. Бинобарин, улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг: "Чунки ҳануз Туркистон тарихи ҳақинда янги тадқиқот ила ёзилгон, тартибли ва истифодали мукамал бир асар вужудга келган йўқ"¹, деган фикри бугунги кунда ҳам, заррача бўлсин, аҳамиятини йўқотган эмас. Биргина мисол. "Мулла Олим Маҳдум Ҳожининг "Тарихи Туркистон" асарида Раҳимқулихон ҳақида "... уч йил ҳукмронлик қилиб, 1261 санаи ҳижрий (милодий 1845)да вафот қилди. Отасининг асрида Бобожон тўра демак ила номзод бўлуб, халқ орасида жавру зулм қилмак ила машҳур эди" деб маълумот берилади².

Таъкидлаш жоизки, "Тарихи Туркистон" муаллифи томонидан келтирилган факт ва далилларнинг деярли барчаси тарихий ҳақиқатга зид. Ваҳоланки, Огаҳий Раҳимқулихоннинг вафот йилини "тарихи ҳижрий минг икки юз олтмиш иккида йилон йили муҳаррам ул-ҳаром ойининг ўн бирида жума куни" деб аниқ кўрсатади. Зеро, у ушбу воқеаларнинг жонли гувоҳи бўлган. Шунинг учун Огаҳий келтирган факт бу борадаги ҳар қандай бошқа мулоҳазани рад этишга асос бўла олади. Бундан ташқари, "Зубдату-т-таворих"да баён қилинишича, Раҳимқулихон эмас, балки унинг укаси Муҳаммад Аминхон Бобожон тўра номи билан машҳур бўлган.

Тарихга ибрат ва тафаккур назари билан қаралса, тож-тахт учун курашлар натижасида неча-неча обод манзилларнинг хароб бўлганию эл-улус аҳволи оғирлашганини, тараққиёт ўз ўрнини таназзулга бўшатиб берганини кузатиш

1. Беҳбудий Маҳмудхўжа. Танланган асарлар. Тошкент, "Маънавият" нашриёти, 1999, 178-бет (Behbudiy Mahmudkhoja. Selected Works. Tashkent, Publishing House "Ma'naviyat", 1999, p. 178)

2. Қаранг: Мулла Олим Маҳдум Ҳожи. Тарихи Туркистон. "Насаф" нашриёти, Қарши, 1992, 128-бет. (See: Mulla Olim Mahmud Hoji. History Turkestan. Nasaf Publishing House, Karshi, 1992, p. 128.)

мумкин. Лекин, мўътабар манбаларда зикр этилишича, Туркистон тарихида ҳиммати шоҳликдан-да баланд ҳукмдорлар кўп бўлган. "Зубдату-т-таворих"даги факт ва далиллар Раҳимқулихоннинг ҳам худди шундай ҳукмдорлар сирасига киришидан далолат беради.

Асар муаллифининг қайд этишича, Оллоқулихон вафот этганида унинг кичик ўғли Муҳаммад Аминхон Хивада бўлган. Отаси вафот этгач, Муҳаммад Аминхон ўша пайтда Хазорасп ҳокими бўлган акаси Раҳимқулихонга "отаси вафотининг ахбори ва тез келмагининг асрори учун қосиди сарсармисол (чопар)ни жўнатади. Раҳимқулихон ўша кунидек тезлик билан Хивага етиб келади. Таъзия маросими адо этилгач, барча амирлар, уламолар, шарият пешволари "ҳазрат зиллуллоҳий" - Раҳимқулихон ҳузурига йиғиладилар. Ундан хоразмшоҳлик тахтини қабул этишини сўрайдилар. Шунда Раҳимқулихон шоҳликка рағбати йўқлиги, бу дунёнинг ўзи бевафо экани, шоҳликнинг "нўши бир бўлса, ниши минг, роҳати бир бўлса, ташвиши минг" экани тўғрисида сўзлайди. Огаҳий буни маснавийда қуйидагича таъсирчан ифодалаган:

*Неча иш ҳақу неча ноҳақ бўлур,
Бори ҳазрати Ҳақға мулҳақ бўлур.
Барисини шахдин қиллғай савол,
Ҳамулдан не бўлғай экан, шахга ҳол.
Агар подшоҳга будур можаро -
Гадо подшоҳдурки, оти гадо.
Мунингдек ул навъ ишни аҳли уқул
Не янглиғ малул ўлмай этгай қабул.*

Раҳимқулихондан бу сўзни эшитган мажлис аҳли "Эй малойиксифат подшоҳ, сенинг шоҳликка рағбатинг йўқлигини биламиз. Сенинг ҳимматинг шоҳликдан ҳам олий экани бизга маълум", дея адолат билан ҳукм юритган салтанат соҳибини Оллоҳ таоло ўз лутфи билан икки оламда шоҳ қилиши, "зуҳд аҳли тоат билан рутба топса, шоҳ адолат воситасида ундан ҳам ўтиши" ҳақида сўзлайдилар. Улар ўз фикрларига бир соатлик адолат бир умрлик нафл ибодатдан

афзал экани тўғрисидаги ҳадиси шарифни далил сифатида келтириб, Раҳимқулихонни шоҳлик тахтини қабул қилишга ва адолатли сиёсат юритиб, Тангри таолонинг розилигини топишга даъват этадилар.

Огаҳийнинг қайд қилишича, *"Чун аркони давлат ва умарои зийшавкатнинг илҳоҳ ва муболағаси ҳадду гоятдин ўтди, ложарам, ҳазрат зиллуллоҳий камоли карамдин ул жамоанинг ройин синдурмай ва сийнаи илтимослариға дасти рад урмай, салтанат амри хатирин қабул этиб, ҳамул кечаким, чаҳоршанба куни эрди, намози шом ҳангоми инқизо топгандин сўнгким, ассад соат ва ашраф авқот эрди, салтанат аврангига қадами муборакин еткуруб, хилофат тожин гўшаи кулоҳига урди ва хоразмшоҳлик нигинин ангушти иқтидориға солиб, жаҳонбонлиғ зиммомин қабзаи ихтиёриға олди".*

Раҳимқулихон тўғрисидаги бу таърифу тавсифлар бугунги китобхонга муболағали туюлиши табиий. Лекин, Огаҳий таърифича, "табъига борча биликни кашф қилган, кўнглида Ҳақ таоло ишқи жўш урган", бу дунёнинг фонийлигини, имтиҳон дунёси эканини юракдан ҳис этган маърифатли ҳукмдорнинг худди шундай йўл тутиши минбаъд таажжубланарли эмас. Зеро, Баёнийнинг "Шажараи Хоразмшоҳий" асаридан олинган қуйидаги иқтибос ҳам буни қувватлайди: *"Чун Оллоқулихон равоҳул олами бақо бўлдилар, ул ҳазрат (Раҳимқулихон - Н.Ж.) Хазораспда эрдилар. Муҳаммад Амин иноқ камоли мардоналикдин оқосиға нома бирла хабар юбордиларким, тез келсунлар, отамиз вафот топдилар. Ўзи таъзия умурининг тажҳиз ва саранжомиға иштиғол кўргузди. Раҳимқули тўра бу хабарни эшитиб, дарҳол отланиб, йўлга кириб, сешанба куни пешин вақтида Хивақга келдилар. Муҳаммад Амин иноқ тўра тамоми шахзода ва бекзодалар ва аркони давлатлар ва тамоми уламоларнинг ижтимои ва иттифоқлари била Раҳимқули тўрани ул мажлисга чақириб, хонлик таътига миндурдилар. Ҳамма муборақбодлик алолосин фалак авжиға еткурдилар".*

1. Муҳаммад Юсуф Баёний. Шажараи Хоразмшоҳий. ЎзФА Шарқшунослик институти. Қўлёзма № 9596, 312 а-саҳифа.

(Muhammad Yusuf Bayoni. Shajarai Khorezmshahi. Institute of Oriental Studies of Academy of Sciences of Uzbekistan. Manuscript No.9596, page 312a.)

Тарихни ўрганмоқдан мурод - сабоқ. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтганда, "Не ишдин мамлакат обод, қаю ишдин улус барбод бўлган"ини тафаккур кўзгусида кўриб, ибрат олингандагина бу мурод ҳосил бўлади. Бадиий-тарихий асар сифатида "Зубдату-т-таворих"нинг аҳамияти бу жиҳатдан ҳам катта. Асарда Хива ва Бухоро хонликлари ўртасидаги ўзаро низолар, қонли урушлар, уларнинг оқибатлари ҳақидаги ҳаққоний маълумотлар таъсирчан ифодаланган. Аксар фикрлар Куръони карим оятлари ва пайгамбар алайҳиссалом ҳадислари билан далилланган. Иймонсизлик, фосиқлик, эътиқодсизликнинг оқибати хорлик экани тарихий воқеликнинг бадиий талқини орқали акс эттирилган.

Асарда кўплаб назм намуналари ҳам келтирилган. "Зубдату-т-таворих" даги шеърий жанрларни қуйидагича тасниф этиш мумкин: қасидалар (6 та), маснавийлар (70 та), ғазаллар (4 та), рубоийлар (7 та), қитъалар (10 та), таърихлар (4 та), фардлар (6 та). Бундан ташқари, "назм" сарлавҳасида 16 та шеър берилган. Фардлар эса "Байт" сарлавҳаси билан китобат этилган. "Зубдату-т-таворих"даги шеърлар жами 1176 байт (2352 мисра)ни ташкил этади.

Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий "Фунуну-л-балоға" асарида ёзишича, шеър ўн қисмга бўлади. "Билгилким, - деб ёзади олим, - мажмуи шуаро истилоҳинда шеърнинг ақсоми, улким мўтабардур, ўн навъ келибтур: қасида, ғазал, қитъа, рубоий, маснавий, таржиъ, мусаммат, мустазод, мутававал, фард"¹. Олим таъкидлаган шеър ақсомининг ўнтасидан олтитаси мавжудлигининг ўзиёқ "Зубдату-т-таворих"нинг адабий манба сифатидаги аҳамияти нечоғлик катта эканини, филологик тадқиқотлар учун бой материал беришини тасдиқлайди.

Асарда қасида жанрига оид 6 та шеър берилган бўлиб, уларнинг ҳажми 227 байт (454 мисра)ни ташкил этади. "Қасиданинг ақалли йигирма етти бўлур ё андин ўксукрак ва аксари муайян эрмас, - деб ёзади Шайх Аҳмад Тарозий. - Ҳар неча қофия даст берса айтурлар ва ҳар не мақсуд бўлса баёнға келтурурлар"².

Шайх Тарозий қасида жанрига хос тўрт хусусиятни алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Биринчиси - ҳусни матлаъ, яъни қасиданинг бошланиши маъно жиҳатидан мутлақо қусурсиз латиф сўзлардан ташкил топган бўлиши керак. Иккинчиси - мамдуҳ (мақталгувчи)нинг адлу инсофи таърифланиши зарур. Учинчи - мамдуҳнинг шижоати, тўртинчи - саховати мақталиши лозим. "Ва бу тўрт хислатдин ортуқ ҳар нечаким сифат қилур, ихтиёр шоирғадур"³.

"Зубдату-т-таворих"даги барча қасидалар ушбу жанрнинг туркий шеърият назарийчиси зикр этган талабларига тўлиқ жавоб беради. Масалан, асардаги биринчи қасиданинг ибтидоси "Фунуну-л-балоға"да айтилганидек, ҳусни матлаъ санъатининг бетакрор намунаси саналади:

Шаҳеким, остони ила

топмиш авж истиъло,

Ки гардун ястониб туфроқиға

бир ҳовуш адно (387^а)

"Ҳусни матлаъ"ни "ҳусни ибтидо" деб атаган Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг ёзишича: "Ул андоғдурким, калом бошинда нозиклигу равонлиқта ва аларнинг зидди бўлмиш қаттиқлигу матонатта бир-бирига яқин бўлган ҳушу латиф лафзлардин покиза, ёқимлиғ, мустаҳкам ибора тузарларким, маъно адосинда мутлақан қусур бўлмағай ва тузук зеҳн андин мақсудға бот ўта олғай, лафзу маъно орасинда муносабат риоя қилғайлар, яхши маънони енгил алфоз била ё аксинча адо қилмағайлар, дағи байтнинг икки мисраи ё насрнинг икки бўлағи орасинда муносабат риоя қилғайларким, латофату

1. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. Тошкент, "Ҳазина" нашриёти, 1996, 32-бет. (Sheikh Ahmad bin Khudayid Tarazi. Fununu-1-Marriage. Tashkent, "Khazina" publishing house, 1996, p. 32)

2. Ўша жойда.
(Previous source.)

3. Ўша манба, 33-бет
(Previous source. P 33.)

балоғатта бир-бирига яқин бўлғай, бири аълою иккинчиси адно бўлмағай, маънонинг соғлом бўлмағига саъй қилғайларким, келишмаган, қарома-қарши, ярамас, урфқа хилоф ва ҳоказо нималардин соғлам бўлғай...".

Мазкур қасида матлаъи ушбу назарий қоидаларга ҳар жиҳатдан мувофиқ келади.

Шайх Аҳмад Тарозий таъкидлаган иккинчи хусусият - мамдуҳнинг адлу инсофи васф этилган мисралар ҳам Огаҳий қасидасида мавжуд. Жумладан, шоир бундай ёзади:

*Инод аҳлига қаҳр, афтодаларга
лутф кўргузса,
Фалак бўлғай замингиру замин
бўлғай фалакфарсо.
Баҳори адли андоқ файз еткурди
жаҳон ичра,
Ки бўлди арсаи олам улусга
жаннату-л-маъво.
Тутуб овозаи адлики етти
афлок айвонин,
Малак таслимгўю ҳам дуогўйдур
ҳазрати Исо (387^{аб}).*

Учинчиси - мазкур қасидада мамдуҳнинг шижоати ҳам теран маъно ва бетакрор бадиият билан таърифланган:

*Онинг зоти ҳумоюнени килки
котиби қудрат
Ёзиб соҳибқиронлиғ дафтари
унвонида туғро.
Зиҳи соҳибқирониким, қирон хасм
аҳлига солиб,
Сипоҳи қаҳри еткурди залолат мулкига
яғмо (387б).*

Тўртинчи - қасидада хоннинг саховати ҳам фасоҳат ва балоғат билан васф этилади. Қасиданинг қуйидаги мисралари ҳам бу фикрни тасдиқлайди:

*Халойиқ нақд эҳсонидин олди
комин андоқким
Гадои бенаво аҳли ғаноға қилди истиғно.
Атову баҳшишининг хонидин маҳзуз
ўлуб доим,
Дуои давлатиға очди тил ҳам пиру
ҳам барно 387в).*

Хоннинг мазкур тўрт фазилатини тавсифлаш баробарида, Огаҳий мамдуҳнинг илму фазилат бобида камолга эришганини, "ҳар фан ичра даврон аро мумтозу мустасно" даражасига эришганини қуйидагича таърифлайди:

*Камоли борча илму фазл аро ул
ерга етмишдур,
Ки ҳар фан ичрадур даврон аро
мумтозу мустасно (387б).*

Раҳимқулихоннинг Хива тахтига келиши тасодифий эмаслиги, унинг ажодлари "хоразмшоҳлик нигинин ангушти иқтидорларида тутуб келган"и ҳам қасидада алоҳида зикр этилган: "На танҳо даҳр фавқида ҳасаб бирла насабда ҳам, Саросар хону хоқондур анга ажод ила обо" (387б).

Қасида арузнинг ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган, рукнлари қуйидагича:

*Жаноби туф / роиГа игй / ди бошин,
бу / шарафдиндур,
Мафойилун мафойилун мафойилун
мафойилун
v - - - v - - - v - - -
v - - -
Буким анжум / шақи чарх уз / ра
тоғмиш по / яи аъло
Мафойилун мафойилун мафойилун
мафойилун
v - - - v - - - v - - -
v - - -*

"Зубдату-т-таворих"да таърих жанрига оид тўртта шеър берилган бўлиб, анъанага кўра барчаси форс-тожик тилида. Таърихга доир назарий адабиётларда таъкидланганидек, бу жанр намуналари икки усулда ёзилади: сариҳ ва таъмия. "Сариҳ" - очиқ, равшан мазмунини билдириб, бу усулда битилган таърихларда кўзда тутилган сана очиқ ифода қилинади. "Таъмия" истилоҳи эса арабча "аъмо" сўзидан олинган бўлиб, "беркитилган, яширилган" демакдир. Асарда турли муносабат билан келтирилган ҳар тўртала таърих таъмия усулида ижод этилган.

4. Атоуллоҳ Хусайний. Бадойиъу-с-санойиъ. (Таржимон: академик Алибек Рустамий). Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981, 250-251-бетлар.

(Atoullloh Husaini. Badoyi'u-s-sanoyi. (Translator: academician Alibek Rustamiy). Tashkent: Literature and Art, 1981, pp. 250-251)

Таърихлардан дастлабкиси Хива ҳукмдори Оллоҳқулихон фармонига кўра шаҳзода Раҳимқулихоннинг ҳарбий юришга отланиши муносабати билан ёзилган. Ушбу жанрнинг бетакрор намунаси бўлган бу таърих Огаҳийнинг шеърятдаги мартабаси нечоғлик баланд бўлганига яна бир далилдир. Таърихнинг кўзда тутилган сана беркитилган сўнги мисралари қуйидагича:

Соли таърихи ин азиматро,

3 - Огаҳий жуст он хўжасташиям.

Вей чу бизашта аз сари ихмол,

Азми нусрат нишон намуд рақам (394^а).

Муаллиф сўзлар замирига яширган санани аниқлаш учун таърих моддасини топиш талаб этилади. Таърих моддаси *ناشنه جزء ترصد* ("Азми нусрат нишон") жумласига беркитилган. Абжад ҳисобига кўра *ناشنه جزء ترصد* жумласидаги *ع* "айн" - 70, *ز* "зе" - 7, *م* "мим" - 40, *ن* "нун" - 50, *ص* "сод" - 90, *ر* "ро" - 200, *ت* "те" - 400, *ن* "нун" - 50, *ش* "шин" - 300, *ا* "алиф" - 1, *ن* "нун" - 50 га тенг. Маълум бўладики, *جزء ترصد ناشنه* жумласидаги ҳарфларнинг абжад ҳисобидаги йиғиндиси, "жумал"и - 1258. Таърих ниҳоясидаги "Чун бу таърих аладда бир зиёда эрди. Таъмия илми билан исқот қилилди" сўзлари асосида ва "Иҳмол"нинг "Сари", яъни бошланиши "алиф" абжад ҳисоби бўйича "1" га тенг экани ҳисобга олинса, 1258 дан 1 ни айирамиз, ҳосил бўлган 1257 ҳижрий йил ҳисоби бўйича ушбу таърихда кўзда тутилган санани англатади. Синхрон жадвалга кўра, ҳижрий 1257 сана милодий 1841 йилга тўғри келади.

"Зубдату-т-таворих"да келтирилган иккинчи таърих Хива хони Оллоҳқулихоннинг вафоти ҳамда унинг ўрнига шаҳзода Раҳимқулихоннинг хон кўтарилиши воқеасига бағишланган. Ушбу таърихда муаллиф сўзлар замирига беркитилган сана - таърих моддаси шеърнинг мақтабида ифодаланган:

Гуфтам зи сари адаб гузашта,

Маҳ рафтау, офтоб омад (400^а).

Таърих моддаси *مه رفته آفتاب آمد* ("Маҳ рафтау, офтоб омад") сўзлари замирига яширинган. Энди бу ҳарфларнинг абжад ҳисобига кўра қайси рақамларга тўғри келишини аниқлаймиз: *م* "мим" - 40, *ه* "ҳо" - 5, *ر* "ро" - 200, *ف* "фа" - 80, *ت* "те"

- 400, *ه* "ҳо" - 5, *ا* "алиф" - 1, *ف* "фа" - 80, *ت* "те" - 400, *ا* "алиф" - 1, *ب* "бе" - 2, *ا* "алиф" - 1, *م* "мим" - 40, *ل* "дол" - 4. Маълум бўладики, бу жумладаги ҳарфларнинг абжад ҳисобига кўра йиғиндиси, яъни "жумали" - 1259. Асарда муаллиф таърих матнидан сўнг келтирган "Чун бу таърих адади бир зиёда эрди, таъмия илми билан исқот қилилди, ондоқким, "Зи сари адаб гузашта" иборатидин маълум бўлур" изоҳига кўра ҳамда "адаб"нинг "сари" - бош ҳарфи "алиф" 1 га тенг экани ҳисобга олинса, ишорага биноан 1259 дан 1 ни айириш керак бўлади. Натижада Оллоҳқулихоннинг вафоти ва Раҳимқулихоннинг хоразмшоҳлик тахтига ўтирган сана келиб чиқади. Бу ҳижрий 1258, милодий 1842/1843 йиллардир. Илми бадеъ устози Атоуллоҳ Хусайний "Таърихнинг хусни лафзнинг мувофиқлиги била бўлур", дегани эътиборга олинса, айнан дунёдан кетиш маъносига "рафта" сўзининг қўлланиши Огаҳий таърихининг жанр талабига ҳар жиҳатдан мувофиқ эканини кўрсатади.

"Зубдату-т-таворих", таъкидланганидек, юксак бадий маҳорат билан ёзилган. Асардаги воқеа-ҳодисалар тасвири хоҳ насрда, хоҳ назмда бўлсин, муаллифнинг нуктадонлиги, юксак фасоҳат соҳиби экани яққол сезилади. Асарда сифатлаш, истиора, ташбиҳ, муболаға, перифраза, такрор сингари бадий тасвир воситаларидан маҳорат билан фойдаланилгани, сажнинг деярли барча машҳур турларидан (сажъи мутарраф, сажъи мутавозин, сажъи мутавозий) истифода этилгани ҳам бунинг исботидир.

Огаҳийнинг насрда сажъ қўллаш маҳорати қуйидаги биргина мисол таҳлилида ҳам яққол кўринади: "Зиёфат лавозимининг интиҳоси ва аклу шурб маросимининг инқизосидин сўнг ҳазрат хон мағфур ва ҳазрат зиллуллоҳий савлати тамом ва умарои соҳиб эҳтиром била отланиб, отчопар тамошосига чиқтилар ва қир устида девнажод ва сарсарниҳод отларни ёриштуруб, растумқувват ва филҳайбат паҳлавонларни кураш тутдуруб, оти ўтган сайисларни ва ҳарифин йиқитган паҳлавонларни байроқ ва жалду учун хазинаи эҳсондин нуқуди фаровон инъом қилуб, дунёдин мустағний этдилар". Ушбу

иқтибосда етти сажъланувчи қисм мажуд: лавозим - маросим, интиҳо - инқизо, тамом - соҳибэҳтиром, девнажод - сарсарниҳод, рустамқувват - филҳайбат, эҳсон - фаровон, чиқдилар - этдилар. Уларнинг биринчи ва иккинчи сажъланувчилари мутавозий (ҳам вазн, ҳам қофияда мослашувчи); учинчи, тўртинчи бешинчи ва олтинчиси мутарраф (вазнда мослашмаган), еттинчиси эса мутавозиндир (вазнда мос, қофияда мослашмаган).

Маълумки, сажъ ҳосил қилувчи сўзлар "фосила" деб аталади. Ҳар бир фосила ўзидан олдинги сўзлар бирикмаси билан сажънинг бир бўлагини ташкил қилади ва "қарина" деб юритилади" (шеърийтадаги, аруздаги фосиланинг бунга алоқаси йўқ). Огаҳий насрида сажънинг юқорида баён этилган барча шаклий сифатларини кўриш билан бирга, сажъланувчиларнинг ўзига хос жойлашув ўрнини ҳам кузатиш мумкин. Юқоридаги жумлада лавозими фосиласидан олдинги қарина бир сўздан иборат бўлса, унга сажъланувчи маросими фосиласидан олдин тўрт сўз қўлланган. Баъзи сажъдошлар орасида эса қарина мажуд эмас.

Умуман, Огаҳий насрида қўлланган сажъ кўп жиҳати билан мумтоз шеърийтага хос тарсеъ санъатини эслатади.

"Зубдату-т-таворих"да табиат тасвири билан жамиятдаги воқелик ўзаро уйғун ва мутаносиб тасвирланади. Жумладан, Огаҳий биргина қуёш чиқиш ҳолатини асарнинг турли ўринларида турлича, бир-биридан фарқли, ҳар бир қўллаганда баён этилаётган ҳодисага мувофиқ тарзда ифода этади. Масалан, бир жойда қуёш чиқиш ҳолатини "...офтоби жаҳонтобнинг шаҳсувори тезрафтори машриқ марҳаласидан чиқиб, фалак майдонининг қатъига жавлон кўргузди" тарзида тасвирласа, бошқа бир ўринда "қуёш ҳоқони машриқ шабистонидин чиқиб, фалак майдониға нур якронин сурди" шаклида, яна бир ҳолатда эса, "хуршиди жаҳонтоб жамшиди машриқ ишратхонасидин чиқиб, фалак сайдгоҳи сори равона бўлди" дея, ҳар бир ўринда "қуёш" сўзига ҳикоя қилинмоқчи бўлган воқеага мос, тамоман янгича, оҳорли маъно юклайди. Бинобарин, биринчи тасвирда Раҳимқулихоннинг ҳарбий юришга отлангани тўғрисида сўзланиб, қуёшнинг чиқиш ҳолати ҳам "фалак майдонининг

қатъига жавлон кўргузди" тарзида шунга уйғунлик касб этади. Иккинчи тасвир "қуёш ҳоқони машриқ шабистонидин чиқиб, фалак майдониға нур якронин сурди" шаклида хон лашкарининг фасод аҳли устига юриш қилиши ҳолатига мутаносиб бўлса, учинчи тасвир хоннинг ўз аъёнлари билан овга жўнаётган ҳолатига мос ("хуршиди жаҳонтоб жамшиди машриқ ишратхонасидин чиқиб, фалак сайдгоҳи сори равона бўлди").

Шу биргина мисолнинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, асарда табиат тасвири билан воқеалар моҳияти ажиб бир уйғунлик касб этган ва бу мутаносиблик ифоданинг жозибадорлигини, таъсирчанлигини оширган.

Асарнинг яна муҳим бир жиҳати шундаки, ундан Огаҳийнинг айрим шеърлари ёзилиши тарихи ҳам баён этилган. Жумладан,

***Илоҳо, то жаҳону онда то аҳли
жаҳон ўлгай,
Жаҳон фармондеҳи шахзодаи
олиймакон ўлгай (394^б).***

матлаъли газалнинг ёзилиш тарихи шахзода Раҳимқулихоннинг ҳарбий юриши билан боғлиқ. Бу ҳақда муаллиф бундай ёзади: "*Ва ҳамул кун фақир дуо тариқаси била бир газал ва ҳамул сафар учун бир таърих назм силкиға чекиб, ҳазрати зиллуллоҳийнинг суҳбати кимёхосиятиға даҳил бўллуб, арзға еткурдим ва иноёти подшоҳонаға махсус ва инъомоти бекаронадин маҳзуз бўлдум. Ва ул газал будурурким, мастур бўлур*" (394^б).

"Зубдату-т-таворих" Хива хонларининг илм-маърифат аҳлига бўлган муносабатларини ўрганиш юзасидан ҳам қимматли манба. Масалан, асарда яна бошқа бир газалнинг яратилиш тарихи билан боғлиқ эътиборга молик мулоҳазалар баён этилган. Огаҳийнинг ёзишича, Раҳимқулихон "...аксар авқот уламо ва фузало ва шуаро ва зурафо била ҳамсуҳбат бўллуб, ул жамоани бағоят азиз ва аржуманд тутар эрди ва хони эҳсонидин маҳзуз ва баҳраманд этар эрди. Ва агар шуарои замондин ҳар ким бир қасида ва ё бир газал ва ё бир рубоий ўз қудратиға лойиқ назм силкиға чекиб, онинг назари анвори пешшоҳиға еткурса эрди, илтифот юзидин таҳсин ва офарин била башошати тамом ва масаррати

молокалом маросимин зухурга еткурур эрди. Ва онинг силасига хазонаи аҳсонидин нукуди фаровон инъом қилиб, ҳар неким коми эрса, берур эрди" (389^б).

Табиийки, сўз аҳлига бўлган бундай эҳтиром XIX аср Хоразм адабий муҳитининг юксалишида алоҳида ўрин тутди. Қолаверса, Огаҳий асарлари ёзилишида ҳам ушбу муҳитнинг ўзига хос таъсири бор. Бу ҳақда "Зубдат ут- таворих"да яна қуйидагиларни ўқиш мумкин: "Ул жамоадин фақирким, аксар авқот ул ҳазратнинг мажлиси шарифи мулозаматиға етиб, табъим натойижидин ҳар турлук қасида ва ғазал ва рубоий... жилвагар бўлса эрди, рақам зевари била ораста килиб, назари саодатасар мутолаасиға еткурур эрдимким, ўзгалардин ортуқроқ илтифот ва инъомот била сарафроз бўлуб, фузало ва шуаро орасида мумтозлиғ топар эрдим. Хусусан, ул овони саодатнишонда ул ҳазрат мидҳатида бир ғазал ва бир рубоийнинг ранго-ранг гулларин хаёл сарпанжаси била маоний гулшанидин териб, мажлиси ҳумоюни биҳиштнамуниға туҳфа чекиб, авотифи махсусадин баҳраманд бўлуб, тахта-тахта чой, шабра-шабра қандолат инъоми била ширинкомлиғ топар эрдим. Ул ғазал будурурким, бу маврида таҳрир топар" (390^а).

Шу тариқа

**Ул сарвари замонки, буюкдур мақом анго,
Гардун қади хам ўлди қилиб**

эҳтиром анго. —

матлаъли ғазалнинг яратилиш тарихи ҳақида муфассал маълумот берилган.

"Зубдату-т-таворих" наинки адабий манба, асардан география, топонимия ҳақида ҳам қимматли маълумотларни олиш мумкин. Масалан, Кесик деб номланган жой ҳақида муаррих бундай ёзади: "Кесик бир шуъбаедурур, дарёи Жайхун шуъбатидаким, кўҳна Котнинг шарқий жонибидан дарёдин айрилиб, ғарбига ўтгандин сўнг яна дарёға қуёр ва андин кўб мазраалар сув ичадурур" (407^б).

Ҳазрат Вайс ул-Қараний ва Шайх Жалил ота каби авлиёуллоҳларнинг қадамгоҳлари бўлган Бодой бешаси ҳақида Огаҳий қуйидаги маълумотларни беради: "Бодой бир бешаедурурки, бағоят қалин ва зиёда васийдурур. Ҳазрати қутбу-л-ақтоб, афзалу-л-асҳоб, зубдату-л-комилин, умдату-л-

восилин Вайсу-л-Қараний розийаллоху анху ва ҳазрати ҳақиқатпаноҳ, ҳидоятдастгоҳ Шайх Жалил ота қаддаса сирраҳунинг қадамгоҳлари доғи тоғ била дарё ўртасида воқийдурур ва кун чиқари Уйғур ери ва Андрей Чунгулиға ёвуқдурур ва кун ботари ҳадди Қисноқдурур" (408^а).

Адибнинг сўзларидан маълум бўладики, асарда энди бошқа бир манзил - Қисноқ ҳақида сўз юритилади. "Қисноқ андоқ ердурурким, ҳазрат Шайх Жалил тоғи била дарё ёндашиб, оралиғида бир тор сўқмоқ қолибдурур ва сув тугён қилгон вақтларда ондин машаққати тамом ва суъубати молокалом била мурур қилурлар. Бу жиҳатдин ул мавзени Қисноқ дерлар... Онда шикори анвобий ва сибоъи аснофий кўб бўлур" (408^а).

Маълум бўляптики, Огаҳий бу жойнинг топонимияси - нима учун Қисноқ деб аталиши ҳақида ҳам қимматли маълумотни келтирган. Ов учун жуда қулай бўлган, гўзал табиатли бу манзил муаррих-шоир руҳиятига кучли таъсир қилади. Қуйидаги маснавийнинг ижод этилиши ана шу таъсирланиш самараси, дейиш мумкин:

Ажаб бешаки, йўқ ҳадду канори,

Сибоъу жонворларнинг макони.

Шажарлар онда бош чекмиш самоға,

Бориб ҳам решаси тахт ас-сароға.

Қолинлиғдин бўлуб бир-бирга маҳкам,

Аросидин ўта олмас сабо ҳам...

Муайян баъзи ерда марғзори,

Кўнгулларда ҳавоси хор-хори.

Шикор аснофи онда бешумора,

Қолур ҳайрон киши қилғоч назора (408^б)

Умуман, "Зубдату-т-таворих" - бетақрор бадиияти, қасида, маснавий, ғазал, рубоий, қитъа, таърих, фард сингари мумтоз шеърӣ жанрларга оид қарийб 1200 байт назмӣ меросни жамлагани, сажли насрнинг мукамал намунаси экани, мемуар қисса жанри талабларига тўлиқ жавоб бериши, Марказий Осиё тарихи, географияси, этнографияси ва топонимиясига доир муҳим факт ва далилларга бойлиги билан алоҳида ажралиб турувчи манба. Уни наинки, адабиётшунослик ёхуд адабий манбашунослик ва матншунослик аспектида, тарихшунослик, сиёсатшунослик йўналишларида ҳам ўрганиш галдаги вазибалардандир.